

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДОСЧАНОВ АКБАР ТАНГИРБЕРГЕНОВИЧ**

**ИННОВАЦИЯ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМИНИ**  
**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ**  
**ТАЪМИНЛАШ**  
**(Хоразм вилояти мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч - 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in economic  
sciences**

**Досчанов Акбар Тангирберганович**

Инновация шароитида тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг  
иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш (Хоразм вилояти мисолида).....3

**Досчанов Акбар Тангирберганович**

Обеспечение экономической безопасности устойчивого развития  
предпринимательства в условиях инноваций (на примере Хорезмской  
области).....29

**Doschanov Akbar Tangirbergenovich**

Ensuring the economic security of sustainable development of the business system in  
the context of innovation (on the example of the Khorezm region).....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....57

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДОСЧАНОВ АКБАР ТАНГИРБЕРГЕНОВИЧ**

**ИННОВАЦИЯ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМИНИ**  
**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ**  
**ТАЪМИНЛАШ**  
**(Хоразм вилояти мисолида)**

**08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt1851 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Илёс Султонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гафуров Убайдулло Вахабович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуганиев Отабек Аллажанович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» ноябр соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «5» ноябр куни тарқатилди.  
(2021 йил «5» ноябр даги 17 рақамли реестр баённомаси).



**Н.М.Махмудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Ш.Б.Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг инновацион ривожланиш шароитида унинг муҳим омили ҳисобланган тадбиркорлик тизимининг барқарор ва хавфсиз фаолият олиб бориши долзарб масалалардан ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари сони уларда умумий фаолият юритаётган корхоналар, мамлакат ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)и ва аҳоли бандлигидаги улушлари, шунингдек тадбиркорлик табақасининг асоси бўлган ўрта синфи улуши ҳам жамиятда ўсиб бормоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектларнинг сони улардаги умумий корхоналарнинг 90 фоизидан ошиғини, ЯИМининг ўртача 52-70 фоизини ва меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини ўртача 41-79 фоизини ташкил қилмоқда ва тадбиркорлик тизими, табақаси улар иқтисодиёти ривожини, жамият ҳамжиҳатлиги ва экологик мутаносибликни таъминлашга хизмат қилмоқда<sup>1</sup>.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, жамиятдаги COVID-19, ишсизлик даражаси юқорилиги ва аҳоли миграцияси, табиатдаги ресурслардан самарали фойдаланишдаги муаммолар билан боғлиқ қатор зиддиятлар тадбиркорлик тизимининг ҳам давр талабларига мувофиқ равишда барқарор ривожланиши ҳамда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни жиддий масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

Янги Ўзбекистонни бунёд қилиш жараёнида тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилишга иқтисодий-ижтимоий ёндашув зарурлиги эътироф қилинади. Бу ёндашув тадбиркорларнинг ўрни, сони ва ҳажми, уларнинг жамиятдаги алоҳида фаол табақа сифатида шаклланиб нуфузи ошиб бориши, ҳамда ишлаб чиқаришда кўп сонли хўжалик субъекти сифатида чекланган табиий ресурслардан кенг фойдаланиши, рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги билан муҳимдир. Президентимиз тадбиркорлар билан очик мулоқотда, тизим барқарорлигини таъминлаш мақсадида 16 та қонун, 100 дан ортиқ қарор қабул қилинганлиги, лицензия, рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилганлиги, тадбиркорлик субъектлари сони икки баробар ошганлиги, соҳада 1,4 млн янги иш ўринлари яратилганлигини алоҳида қайд қилдилар.<sup>2</sup> Шу билан бирга, Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида бу масалаларга эътиборни кучайтириб яна “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади” деб таъкидладилар<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва

<sup>1</sup>Манба: <https://stolypin.institute/wp-content/uploads/2018/07/issledovanie-ier-msp-27.07.18.pdf>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 20 августда мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот учрашувида сўзлаган нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4550>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси./ Халқ сўзи газетаси 30.12.2020.

рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5953 сонли Фармони, 2021 йил 24 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5087-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 841-сонли қарори ва соҳага бевосита тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий мамлакатларда тадбиркорлик ва унинг инновацион ривожланиши, барқарорлиги хавфсизлиги таълимоти, тизим субъектларига ички ва ташқи таҳдидлар, уларни пасайтириш, бартараф этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари Сэй.Ж, Смит.А, Кейнс Ж., Ансофф И., Шумпетер Й., Хейек Ф., Хизрич Р., Питерс М., Друкер Ф., ва бошқалар, МДХ олимларидан Сенчагов В.К., Вечканов Г.С., Кондратьев Н.Д., Тамбовцев В.Л., Асаул А.Н., Власова В.П., Шестаков А., Татаркин А.И., Лобахина Н.А., Жанузакова С.К., Владайцев С.В., Наливайченко Е.В., Арнаут М.Н., Белозеров И.П., Сахарова И.В., Калпаков П.А.,<sup>4</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган.

---

<sup>4</sup> Сэй Ж.-Б. Трактат политической экономии / Ж.-Б. Сэй. – М., 1986.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов // Антология экономической классики. В 2-х т.-М.: Изд-во МГУ, 1993. Т.1. – с.1–19; Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег / Дж. М. Кейнс; пер. с англ. – М.: Прогресс, 1978. – 494 с.; Ансофф И., Новая корпоративная стратегия. СПб.: Питер. 1999 – 416 с.; Шумпетер И. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия.–М.:ЭКСМО, 2007-864.; Хейек Ф. Индивидуализм и экономический порядок./ Ф.Хейек. – М.: Изограф. 2000. 256 с.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.; Друкер Ф. Бизнес и инновации./ Питер. Ф.Друкер . – М.: “Вильямс” 2007.; Сенчагов В.К., Экономическое безопасности России. М.: Дело 2005.; Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник.-СПб.: Б.Питер, 2007.; Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. / Н.Д.Кондратьев. – М.: “Экономика”. 2002.; Тамбовцев В.Л. Объект экономической безопасности России. // Вопросы экономики. М.: 1994, №12, – 63 с.; Асаул А.Н., Багиев Г.Л. Организация предпринимательской деятельности: Учебное пособие./ под общей ред. проф Г.Л. Багиева СПб, Изд-во СПб ГУЭФ. 2001. 231 с.; Власова В.П., Основы предпринимательства деятельности.-М.: Финансы и статистика, 1996,-106 стр.; Шестаков А, Предпринимательская деятельность.-М.: 2000, – 263 стр.; Татаркин А.И., Ключи к мировому рынку: Инновационное предпринимательство и его возможности./А.И.Татаркин, А.Ф.Суховой. – М.: Экономика. 2011. – 231 с.; Лобахина Н.А. Управление устойчивостью развития малых и средних предпринимательских структур. Автореферат.дисс. к.э.н. Ростов-на-Дону. 2011. – 24 стр.; Жанузакова С.К. Комплексный подход к обеспечению экономической безопасности предприятия// Инновационное развитие: потенциальные ресурсы, управление знаниями, государственное регулирование.- Караганда:2010.; Владайцев С.В, Малой инновационное предпринимательства. Монография-М.: Преспект 2015, – 538 стр.; Наливайченко Е.В. Экономика инновационного предпринимательства./ Учебное пособие. – Сиферрополь: Ариал, 2017, –192 с.; Арнаут М.Н. Дефиниция понятий “Человеческий капитал”, “Человеческий потенциал” и “Человеческий ресурс”. Этап: Экономическая теория, анализ, практика. №: 2 (апр). 2021.; Белозеров И.П. Организационно – правовые основы обеспечения экономической безопасности предпринимательской деятельности: Учебное-пособие. – Омск: Ом. Акад. МВД России, 2003. – 123 с.; Сахарова И.В. Нормативная модель рейтинговой оценки устойчивости предприятий. Теория и практика эффективного функционирования российских предприятий. М.: ЦЭМИ РАН. 2005.; Калпаков П.А. Концентральные основы экономической безопасности фирмы. М.: Дело, 2007 –127с.;

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Гуломов С.С., Абдуллаев Ё.А., Шодиев Т.Ш., Бегалов Б.А., Болтабаев М.Р., Махмудов Н.М., Ходиев Б.Ю., Досчанов Т.Д., Салаев С.К., Ғофуров У.Ғ, Абулқосимов Х.П., Пардаев М.К., Аминов Э.Ю., Кулматов А.А., Югай А.Б., Рихсимбаев О.К., Рўзметов Б.Р., Абдуллаев И.С., Муродова Н.Қ., Гулманов М.А.<sup>5</sup> ва бошқалар илмий изланишларида КБХТнинг ривожланиши, барқарорлиги, хавфсизлиги жараёнлари ва истикболларининг назарий, услубий ва амалий муаммолари шунингдек, моделлаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Тадбиркорлик тизими доирасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот изланишларга қарамасдан иқтисодиётни инновациялаш ва тижоратлаштириш шароитида тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигини таъминлаш, тизимнинг иқтисодиёт соҳалари ва жамият ижтимоий табақалари муқобил таркибини шакллантиришдаги ўрнини яхлит ҳолда таҳлил қилиш, муаммога изчил ёндашиш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги бу борада сифат ва миқдор усуллари асосида тизимли илмий изланишлар зарурлиги мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши УрДУнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-87 “Ҳудудий иқтисодий тизим ривожланишни прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

---

<sup>5</sup> Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: 2008. – 365 б.; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т. Мехнат, 1997.; Шодиев Т.Ш. и др. Эконометрика. Учеб. Пособие. – Т.: Шарқ. 1999 – 240 с.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. и.ф.д.д.с. – Т.: ТДИУ. 2001 - 330 б.; Болтабаев М.Р. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Тошкент. ТДИУ. 2012.; Н. Махмудов, Ҳ. Ҳакимов. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўналишлари. Экономика и финансы (Ўзбекистан), 2016.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: и.ф.д.д.с.-Т.:ТДИУ.2000 – 338 б.; Т.Дўстжанов. С.Салаев., Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. – Урганч.: Хоразм. 1997.; Салаев С.К., Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларни моделлаштириш ва башаротлаш. и.ф.д. дисс. автореферати. Т.ДИУ. 2008 й.; Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Т.: 2007.; Пардаев М.К., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини ва уни таъминлаш йўллари. Самарқанд. 2008 й. 48 б.; Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ харажатлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Самарқанд. “Зарафшон” нашриёти, 2008 й. 40 б.; Кулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. и.ф.н.дисс.,автореферати- Т.: 2004.; Югай А.Б. Моделирование процессов управления развитием производства предприятий малого бизнеса.: Автореферат. дисс.к.э.н.. –Т: ТДИУ, 2004.-22 б.; Рихсимбаев О.К, Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик башоратлаш.: и.ф.н. дисс. автореф.-Т.: ТДИУ. 2002. -22 б.; Рузметов Б. Оптимизационные задачи многоагрегатных комплексов. Модели, методы решения, программные модули. – Т.: Фан. 2010.; Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. и. ф. д. дисс. автореферати. – Т.: 2017 – 67 б.; Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. автореферати. – Т. ТДИУ. 2016. 74 б.; Гулманов М.А. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш (Хоразм вилояти мисолида). и.ф.н. дисс. автореферати. – Т. ТДИУ. 2011. 24 б.;



– “барқарор ривожланиш” ва “иқтисодий хавфсизлик” тушунчалари моҳияти ва боғлиқлигини очиб бериш, уларнинг тадбиркорлик тизими таълимотидаги ўрни ва аҳамиятини асослаш;

– тадбиркорлик тизимига ташқи ва ички таҳдидларни таҳлил қилиш, таснифлаш ва уларни “таҳдид-барқарорлик-хавфсизлик” бирлиги асосида тадбиркорликнинг инновацион барқарор ва хавфсиз ўсиш моделини асослаш;

– тадбиркорликнинг инновацион барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбир, инструмент ва усуллари асосида тизимнинг бошқарув концепцияси алгоритмини ишлаб чиқиш;

– тадбиркорлик тизими инновацион ривожланиш босқичида барқарор ва иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш усуллари асослаш;

– тадбиркорлик барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш ва уларни таснифлаш;

– Хоразм вилояти тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлиги мисолида таклиф қилинган концепция алгоритмига асосан илмий-услубий ёндашувлар, кўрсаткичлар тизими, анкета сўровномаси ва регрессион моделлар ва улар синтези асосида таҳлиллар ўтказиш ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар бериш;

– вилоят мисолида тадбиркорлик тизимининг ўрта муддатга ривожланишининг иқтисодий, хусусан капитал, меҳнат ва инсон омилларини ҳисобга олиб тузилган турли эконометрик моделлари асосида сценарий ва прогноз вариантларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** қилиб тадбиркорлик тизими қатнашчилари, Хоразм вилояти тадбиркорлик субъектлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, социологик сўровнома, дастурли-мақсадли ёндашув, SWOT, кўп ўлчамли қиёсий статистик ва регрессион-корреляцион таҳлиллар ҳамда эконометрик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

– тадбиркорлик ва унинг инновацион ривожланиш йўналишларини асослашда “тадбиркорлик барқарорлиги” ва “тадбиркорлик хавфсизлиги” тушунчалари, тизимга бўладиган ички ва ташқи таҳдид, хавф ва рисклар, жамият илғор ижтимоий табақасини шакллантиришдаги тадбиркорлик маҳсули ҳосиласи бўлган инсон капиталини эътиборга олиб бу тушунчаларнинг илмий-назарий таърифи такомиллаштирилган;

– тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини тадқиқ қилишнинг венчур, ДХШ капиталларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш асосида “иқтисодиёт-жамият-тадбиркорлик” тизимларини ўзаро мутаносибликда ривожлантирувчи алгоритмини қўллаш тартиби шакллантирилган;



– тадбиркорлик тизими субъектлари инновацион ривожланиш барқарорлиги ва иқтисодий хавфсизлиги омиллари, уларни баҳолаш кўрсаткичлари турли сифат ва миқдор усуллари ёрдамида илмий асосланди;

– Хоразм вилоятида тадбиркорлик тизими фаолиятини барқарор ва хавфсиз ривожланиш сценарийларини тизим тараққиётини таъминлайдиган асосий омилларини ҳисобга олган ҳолда 2021–2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари кўп вариантлик асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

– тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш муҳити, ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлари, кўрсаткичлари гуруҳи асосланди;

– минтақа тадбиркорлик субъектлари фаолияти сўровнома ёрдамида ўрганилди ва улар натижалари такомиллаштирилган статистик моделлар асосида таҳлил қилинди, тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таклифлар берилди;

– минтақа тадбиркорлик тизими фаолияти ривожланишининг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари асосида кўп омилли статистик моделлари шакллантирилди ва қўлланилди;

– тадбиркорлик тизими ва унинг минтақа иқтисодий-ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ омиллари асосида эконометрик моделлари тузилди ва улар ёрдамида ўрта муддатли, кўп вариантли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди, тадбиркорлик тизими концепцияси асослари яратилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган илмий-услубий ёндашувлар, жумладан таҳлил усуллариининг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, хусусан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, халқаро ва маҳаллий ташкилотлар маълумотлари ҳамда махсус ўтказилган сўровнома натижаларидан олинганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг маъсул ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Тадбиркорлик тизими барқарор фаолияти, хавфсизлиги бўйича илмий-услубий таклиф ва тавсиялардан республика, минтақалар тадбиркорлик субъектларини мутаносиб тараққиёти механизмини такомиллаштириш ҳамда барқарор ривожланиши, иқтисодий хавфсизлик масалалари каби мақсадли илмий изланишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** эса диссертациядаги илмий усуллар, анкета сўровлари ва эконометрик моделлар, сценарийлар, таклиф ва хулосалар Хоразм вилояти тадбиркорлик тизими жараёнларини мустаҳкамлаш бўйича ўрта муддатга мўлжалланган турли дастурларни яратиш, тизимга оид муаммолар ечимини топиш, барқарорлик ва хавфсизлик омилларининг тадбиркорлик субъектлари, аҳоли даромадига таъсирини баҳолаш ҳамда олий ўқув юртларида “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти”, “Иқтисодий хавфсизлик”, “Статистика” ва “Эконометрика” фанларини ўқитишда, соҳага оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновация шароитида тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

– тадбиркорлик ва унинг инновацион ривожланиш йўналишларини асослашда “тадбиркорлик барқарорлиги” ва “тадбиркорлик хавфсизлиги” тушунчалари, тизимга бўладиган ички ва ташқи таҳдидлар, жамият илғор ижтимоий табақасини шакллантиришдаги тадбиркорлик маҳсули ҳосиласи бўлган инсон капиталини эътиборга олиб бу тушунчаларнинг илмий-назарий таърифини такомиллаштириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги 11/03-15-6779-сон ҳамда Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 22 июндаги 05-06/206-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланиши тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини мониторинг қилиш, статистик таҳлилни такомиллаштириш ҳамда тадбиркорлик муҳити ва салоҳиятининг самарадорлик параметрларини баҳолаш бўйича тезкор, ишончли ва бирламчи маълумотларни олиш имкониятлари яратилган;

– тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини тадқиқ қилишнинг венчур, ДХШ капиталларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш асосида “иқтисодиёт-жамият-тадбиркорлик” тизимларини ўзаро мутаносибликда ривожлантирувчи алгоритмининг қўллаш тартибини шакллантириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги 11/03-15-6779-сон ҳамда Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 22 июндаги 05-06/206-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-услубий асослари аниқланган;

– тадбиркорлик тизими субъектлари инновацион ривожланиш барқарорлиги ва иқтисодий хавфсизлиги омиллари, уларни баҳолаш кўрсаткичларини турли сифат ва миқдор усуллари ёрдамида илмий асослаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги 11/03-15-6779-сон ҳамда Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 22 июндаги 05-06/206-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни қўллаш натижасида тадбиркорлик тизими мустаҳкамлигини баҳолаш бўйича барқарорлик, хавфсизлик кўрсаткичлари тизими ва бу кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган, натижада тизим самарадорлигини 10 фоизга ўсиши таъминланган;

– Хоразм вилоятида тадбиркорлик тизими фаолиятини барқарор ва хавфсиз ривожланиш сценарийларини тизим тараққиётини таъминлайдиган асосий омилларини ҳисобга олган ҳолда 2021–2025 йилларга мўлжалланган прогноз

кўрсаткичлари кўп вариантлилиқ асосида ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги 11/03-15-6779-сон ҳамда Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 22 июндаги 05-06/206-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётда қўллаш истиқболда вилоят тадбиркорлик тизимини барқарор ва хавфсиз ривожланишини таъминлашга хизмат қилган. Кўп вариантли қиёсий прогноз натижаларига кўра кичик бизнес ялпи маҳсулоти ҳажми 1,34 марта, бандлар сони 1,17 марта, асосий капиталга киритилган инвестицион-инновацион ресурслар ҳажми эса 1,29 марта ошиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан ОАК томонидан эътироф этилган журналларда 7 мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Умумий ҳажми 139 бетдан ташкил топиб унда 9 та жадвал, 15 та расм ва 17 та иловалар берилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Инновация шароитида тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида тадбиркорлик тизими моҳияти, таснифи ва таркиби, тизимга таҳдидлар таъсирини аниқлаш, инсон омили ва ўрта синфнинг тадбиркорлик барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти ошиб бориши, тизим муаммоларни ҳал қилишнинг хорижий тажрибалари, уларни мамлакатда қўллаш масалалари тадқиқ қилинган.

Тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепциясини шакллантириш иқтисодий, ижтимоий ва экологик жараёнларини ўзаро боғлиқликдаги фанлараро таҳлилини тақозо қилади. Бу таҳлил ўз хусусиятига кўра, ҳар хил турдаги, даражадаги ва ўлчамдаги миқдорларга асосланган усуллар ва улар махсус кўрсаткичлар тизимини қўллаш асосида амалга оширилади. Лекин, бундай


турли усулларнинг ўзаро мувофиқлашмаганлиги тадбиркорлик барқарорлиги, хавфсизлигига тизимли ёндашувлар алгоритмини шакллантиришни, муаммони алоҳида қисмларига ажратиб, улар ечимини изчиликда ўрганиш зарурлигини билдиради. “Тадбиркорлик хавфсизлиги” ва “тадбиркорлик барқарорлиги” тушунчалари иқтисод, тадбиркорлик ва хавфсизлик фанлари доирасида жойлашганлиги сабабли улар бизнес тизими мақсадни инновациялар шароитида бўладиган таҳдидлар асосида ўз вақтида аниқланиши бу тушунчаларни илмий-назарий ва амалий асоси бўлади.

Ривожланган мамлакатларда миллий иқтисодиёт, минтақа ва хўжалик субъектларининг барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлиги ҳолатларига ички ва ташқи омил(таҳдид)лар таъсирларини пасайтириш, бартараф қилиш механизми тўлиқ шакллантирилмаган. Шу сабабдан ҳам, бу механизмни макро ва микро даражада яратиш давлат ва бизнес олдида турган устувор масалалардан ҳисобланади. Биз бу масалаларни миллий иқтисодиёт ривожининг таянчи бўлган тадбиркорлик тизими субъектлари барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлиги доирасида тадқиқ қиламиз.

Илмий адабиётлардаги “тадбиркорлик хавфсизлиги” тушунчаси таърифи ҳар доим ҳам аниқ ва тўлиқ бўлмаганлигини таҳлиллар кўрсатади. Назаримизда, тадбиркорлик тизими хавфсизлиги тушунчасига, манфаатлар, манфаатларга таҳдидлар, даромадни ошириш ишончилиги, техника-технологик, экологик ва инсон омили кабилар нуқтаи назаридан ёндашув лозим. Тадбиркорлик тизими иқтисодий хавфсизлиги тузулмаси нисбатан мураккаблиги, кўп қирралилиги ва бош бизнес мақсадлар хусусиятлари билан фарқланиши бу тизим тузулмасининг мақсади ва моҳияти субъектларининг якуний натижаларига эришишига мақсадли йўналтирилганлик ҳолати ва сифати билан таърифлаш зарурлигини тақозо қилади.

Тор маънода, фикримизча, “тадбиркорлик хавфсизлиги” субъектнинг ички ва ташқи таҳдидларга чидамлилиги ва мустаҳкамлиги асосида эришиладиган барқарор ривожланиш ҳолати ифодалайди. Ушбу илмий-услубий ёндашувга кўра, иқтисодий хавфсизлик, авваламбор субъектнинг ўсиш, ривожланиш, барқарорлиги ва хавфсизлиги ҳолатлари таъминланганлиги даражалари ва даврлари босқичининг изчилликдаги юксак ва мукамаллигига эришганлиги деб ҳисоблаймиз (1-расм). Бу расмда тадбиркорлик ўсиши, ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлиги тизим тараққиёт даражалари ва даврлари босқичлари асосланган. Тадбиркорлик тараққиётига турли таҳдидлар кўплиги сабабли тизим барқарорлиги ва хавфсизлигига иқтисодий-молиявий, бошқарув, техник-технологик, илмий, ижтимоий-экологик омиллар мутаносиблигида эришиш мумкин.

Бу мутаносибликка эришиш мураккаб жараён бўлганлиги муносабати билан, тадбиркорлик тараққиёт даражалари ва давр босқичлари ўзаро боғлиқлиги ва узвийлиги бу расмда ифодаланган. Шунингдек, таърифимизда эътиборга олинган “таҳдид-барқарорлик-хавфсизлик” элементлари учлигининг ўзаро боғлиқлигини шакллантирувчи муносабатлар инновацион тадбиркорлик самарадорлиги натижаларини кўрсатади.



**1-расм. Тадбиркорлик тизими ўсиш, ривожланиш барқарорлик ва хавфсизлик даражалари ва босқичларининг ўзаро боғлиқлиги<sup>6</sup>**

Чунки, тадбиркорлик тизимини иқтисодий тараққиётга, хусусан узун ривожланиш тўлқинлари нуқтаи назаридан ёндашув (тадбиркорлик ўз моҳияти ва мазмуни, шаклланиши ва ўсиш эволюцияси билан бу тўлқинларни ўзида ифодалаш ирқалигина мутаносибликка, эришади) муаммони тизимли ўрганишга илмий-назарий асос бўлади.

Ҳозирги даврга келиб тадбиркорлик тизими хавфсизлиги олдида ташқи муҳитнинг ноаниқлик, ўзгарувчанлик таъсирлари билан яна инсон омили сифатида қаралаётган субъект раҳбарлари ва мулкдорларининг хўжалик фаолиятнинг якуний натижаларига эришишида мустақил қарорлар қабул қилиш жавобгарлиги ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Бу умумлашган ёндашув нуқтаи назаридан, “тадбиркорлик хавфсизлиги” тушунчасининг тармоқлараро хусусиятга ва даражаларга боғлиқлигини эътиборга олиб қатор тадқиқотчилар таърифлари таҳлилларини ва уларни қиёсий ўрганган ҳолда муаллифлик таърифимиз шакллантирилди (1-жадвалда).

**1-жадвал**

**Тадбиркорлик хавфсизлиги тушунчасига турли ёндашувлар<sup>7</sup>**

№	Муаллиф	Таъриф
1	Г.С.Вечканов	Корхона иқтисодий хавфсизлиги деганда унинг илмий-техник, технологик, ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятининг фаол ёки пассив иқтисодий таҳдидлардан ҳимояланганлиги тушунилади. <sup>8</sup>
2	В.А.Богомоллов ва бошқалар	Хўжалик юритувчи субъект иқтисодий хавфсизлиги тадқиқоти предмети-бу ташқи ва ички, ташкилий-иқтисодий таҳдидларнинг аниқ бир хўжалик юритувчи субъект (фирма, банк ва ш.к)ларига ёки бу таҳдидларни <sup>9</sup> бартараф қилиш усуллари ва механизмлари ҳисобланади.
3	В.И.Ярочкин	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги – бу махсус органлар, хизматлар, воситалар, усуллар ва тадбирлар ташкилий мажмуасининг

<sup>6</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

<sup>7</sup> Манба: жадвал тадқиқотчилар ва муаллиф ишланмаси бўйича шакллантирилган.

<sup>8</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность. Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2007. –223с

<sup>9</sup> Богомоллов В.А., Экономическая безопасность: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления/ (В.А.Богомоллов и Эрнашвили Н.Д., Барикаев Е.Н., Павлов Е.А., Ельчанинов М.А); под ред. В.А.Богомоллова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009, – 259 с

		шахс, корхона ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоясини таъминлаш. <sup>10</sup>
4.	Бланк И.А.	Корхона иқтисодий – молиявий хавфсизлиги унинг молиявий ҳолатининг ички ва ташқи хусусиятдаги ҳақиқий ва потенциал таҳдидлардан сифат ва миқдор жиҳатдан алоҳидалашган устувор ва мувофиқлашган молиявий манфаатларининг ҳимояланганлигини ифодалайди. <sup>11</sup>
5	А.В.Козаченко ва бошқалар	Корхона иқтисодий хавфсизлиги корхона иқтисодий манфаатларининг корхонадан ташқаридаги у билан боғлиқ ташқи муҳит субъектлари манфаатларининг вақт ва борлиқдаги тадбирлари мувофиқлиги. <sup>12</sup>
6	Н.В.Манохина ва бошқалар	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги – бу ташқи муҳитнинг барча салбий таъсирларига қарши фаол тура билишига корхонанинг барқарор фаолият юритиши мақсадида унинг ресурсларини оптимал бошқариш ва сафарбарлигини таъминлаш тизими. <sup>13</sup>
7	Ж. Ведель	Хавфсизлик бу давлат хавфсизлигидан бошлаб бахтсиз ҳодисаларни бартараф қилишгача бўлган хавфларни огоҳлантиришга йўналтирилган фаолиятдир. <sup>14</sup>
8	О.А.Грунин	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги – бу хўжалик юритувчи субъектининг шундай ҳолатини, унда корпоратив ресурслардан самарали фойдаланган шароитда таҳдидларни пасайтириш ёки бартараф қилиш, қутилмаган вазиятлар оқибатини камайитириш ва асосан рақобат ва хўжалик rischi шароитида бизнес мақсадларига эришиши таъминланиши. <sup>15</sup>
9	М.В.Фомина	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги – бу корхонанинг ҳозирги ва истиқболдаги фаолиятида барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш ва таҳдидларни тугатиш мақсадида ресурслардан энг самарали фойдаланиш ҳолати. <sup>16</sup>
10	Х.П.Абулқосимов ва бошқалар	Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигининг нисбатан аниқ таърифи – бу ҳар хил таҳдидларни зарарсизлантириш ва огоҳлантириш имкониятларини таъминлаш билан корхона иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда ва энг юқори хавfli даражадаги зарарларга йўл қўймайдиган тизим. <sup>17</sup>
11	Муаллиф ишланмаси	“Тадбиркорлик хавфсизлиги” – бу ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ахборот ва ижтимоий йўналишларидаги махсус хавфсизлик чора-тадбирлар тизими билан субъектнинг таркиби, техник-технологик, молиявий- иқтисодий, илмий-интеллектуал, ахборот-коммуникация ва инсон омил салоҳиятларининг турли таҳдидлардан ҳимояланганлиги тушунилади.

Кенг маънода фикримизча, субъект “тадбиркорлик хавфсизлиги” деганда ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ахборот ва ижтимоий йўналишдаги махсус хавфсизлиги чора-тадбирлар тизими билан унинг таркиби, техник-технологик,

<sup>10</sup> Ярочкин В. И. Информационная безопасность. Учебное пособие для студентов непрофильных вузов. – М.: Междунар. отношения, 2000. – 400 с.: ил. ISBN 5-7133-0993-2.

<sup>11</sup> Бланк И.А. Управление финансовой без опасностью предприятия/ И.А.Бланк – Киев: Эльга Ника – центр, 2004. 784 с. – (Серия “Библиотека финансового менеджера. Вып. 10).

<sup>12</sup> Козаченко А. В., Пономарев В. П., Ляшенко А. Н. Экономическая безопасность предприятия: сущность и механизм обеспечения. Киев: Либра, 2003. – 280 с.

<sup>13</sup> Экономическая безопасность: Учебное пособие / Н. В. Манохина, М. В. Попов, Н. П. Колядин, И. Э. Жадан; Под ред. Н. В. Манохиной – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2014. – 320 с.: 60x90 1/16. – (Высшее образование: Бакалавриат). (п) ISBN 978-5-16-009002-3, 500 экз.

<sup>14</sup> Ведель Ж. Административное право Франции. – М.: 1973. – 466 с.

<sup>15</sup> Грунин, О. А. Экономическая безопасность организации / О. А. Грунин, С. О. Грунин. – СПб. и др.: Питер, 2002. – 160 с.: табл. – (Серия 'Учебное пособие'). – На рус. яз. – ISBN 5-947230-66-6:31.17.

<sup>16</sup> Фомина М. В. Проблемы экономически безопасного развития предприятий: теория и практика: монография / М. В. Фомина. – Донецк: Донгуэт, 2005. – 140 с.

<sup>17</sup> Абулқосимов Х.П., Саидахмедова Н.И., Абулкасимов М.Х. Экономическая безопасность предпринимательской деятельности. Учебное пособие Т.: Илмий техника ахбороти- PRESS 2016 –168с.

молиявий иқтисодий, илмий-интеллектуал, ахборот-коммуникация ва инсон омили салоҳиятининг турли таҳдидлардан ҳимояланганлиги тушунилади. “Тадбиркорлик барқарорлиги” тушунчаси эса субъектнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-экологик йўналишлардаги чора-тадбирлар тизими асосида бизнес мақсадига эришиш учун турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши тура билиш лаёқатини ифодалайди. Умумлашган бу муаллифлик таърифларимиз тадбиркорлик барқарорлиги, иқтисодий хавфсизлик тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги иқтисодиёт таълимотидаги тараққиёт босқичлари, узун тўлқинлар ғоясига ҳам монанд бўлиб бу изчил боғлиқликнинг моҳиятига таянади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг кейинги икки асрдаги ўзига хос характерли белгиларидан иккитасини алоҳида ажратиб уларнинг илмий-назарий ва услубий-амалий асосларини ўрганиш бу алоҳидалашувнинг моҳиятини чуқур билишга ёрдам беради. Бу ижтимоий алоҳидалашувнинг бирламчиси юқоридаги тадбиркорлик деб қаралса, иккинчиси илмий ишлаб чиқаришни тижоратлаштириш яъни инновацион тадбиркорлик ҳисобланади.

Инновацион тадбиркорлик, билимларга асосланган иқтисодиёт, умуман ижтимоий бойликни яратишнинг янги тузулмаси ҳисобланган таълим, тадқиқот, интеллектуал мулк ва инновациялар уйғунлигида шаклланаётган инсон капиталига асосланади. Ривожланган мамлакатлар ЯИМ ўсиши суръатининг 70-85 фоизи билимларга асосланган технологиялар, кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобига тўғри келганлиги ҳам инсон капитали ҳиссасини ошиб бораётганлигини исботлайди<sup>18</sup>.

Фикримизча, кичик инновацион тадбиркорлик деганда жисмоний ва юридик шахсларнинг юқори иқтисодий-ижтимоий самарадорлик учун изчил инновацияларга асосланган, риск билан боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий, экологик ва стратегик жиҳатларни ҳисобга олиб юқори даромад олишга йўналтирилган хўжалик фаолиятидир. Бу кичик инновацион тадбиркорлик учун қулай инновацион муҳит давлат бошқарувида мавжуд тўсиқ ва чекловларни камайтириш, давлат харид механизмларини такомиллаштириш, давлатнинг корхоналар инновацион фаолиятида бевосита қатнашишини кенгайтириш, ДХШ ва венчур капиталлари асосида таъминланади. Инновацион фаолиятни тадбиркорлик асоси сифатида алоҳида ажратиб кўрсатилишини илмий жиҳатдан асослаган олим Й.Шумпетер тадбиркорни “ижтимоий-иқтисодий тараққиётда доимо марказий ролни ўйнайдиган шахс” деб алоҳида таъкидлайди. Тадқиқотлар жамият ва шахс фаровонлигини ошириш омиллари ичида инсон капиталининг таркибий қисми бўлган таълим ҳиссасини 60 фоиздан 80 фоизгача тўғри келишини кўрсатмоқдалар<sup>19</sup>.

Тадқиқотда хорижий ривожланган давлатлар илғор тадбиркорлик тажрибаларидан бўлган инновацион йўналишлар барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, венчур, ДХШ капиталларидан, университетлар, илм-фан марказлари салоҳиятидан

<sup>18</sup> Белбин Р.М. Команды менеджеров, - Издательство: Манн, Иванов и Фербер, 2009, – 238 с.

<sup>19</sup> Майбуrow И.А. Парадигма согласованного развития высшей школы о промышленности в решение. Екатеринбург, 2003, – 147 стр.



фойдаланиш ҳамда кичик инновацион тадбиркорликни устувор йўналиш сифатида қараш ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича ижобий натижаларидан мамлакатимиз тадбиркорлигида фойдаланиш йўналишлари асосланди.

Диссертациянинг **“Инновация шароитда тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш омиллари, таҳлили ва усуллари”** мавзусидаги иккинчи бобда тадбиркорликка бўлган таҳдидлар ва улар таснифи, тадқиқот усуллари ҳамда тизим барқарорлиги, иқтисодий хавфсизлигини баҳолашни такомиллаштиришга оид илмий-услубий ёндашув ва улар кўрсаткичлари, таснифи ўрганилди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича бизнес сегментининг инновацион тадбиркорлик қисми инновациялар “генератор”и бўлиб, кейинчалик йирик компаниялар томонидан қўллаб-қувватланади, умумий тадбиркорлик тизимини янги кичик инновациялар асосида ривожланишини таъминлайди. Инновацион тадбиркорлик ўзининг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари билан анъанавий тадбиркорликдан фарқли равишда қисқа даврда юксакликка эришади, макроиқтисодий ўсиш суръатларини таъминлайди. Бу фаолият кўп омилли мураккаб жараён бўлиб у етук миллий инновацион тизимга таянади ва зарур молиявий-иқтисодий, техник-технологик, ташкилий, институционал ва бошқа шароитларни тақозо қилади. Инновацион тадбиркорликда бош омил тадбиркор-инноватор шахсий фаоллиги, мотивацияси ҳамда янгиликка интилувчанлиги кабилар ҳисобланиб, улар тадбиркорлар учун янгилик излашга мўлжалланган махсус инструментлар бўлиб хизмат қилади.



**2-расм. Тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлиги таъсир қилувчи омиллар ва улар таркиби<sup>20</sup>.**

<sup>20</sup> Муаллиф ишланмаси.

П.Дрокернинг мазмунли қилиб таърифлаганидек, “тадбиркорлар инновацион фикр юритиши билан ажралиб туради. Инновационлик–тадбиркорликнинг инструменти”дир.<sup>21</sup>

Инновация шароитида тадбиркорлик тизими барқарор ривож иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Тадқиқот ишида айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллари ўрганилган, улар гуруҳи шакллантирилган (2-расм).

Бу омиллар иқтисодий хавфсизликни аниқлашнинг асосий инструментлари бўлиб, уларни ҳисоблаш кўрсаткичларини ажратиш ва улардан кейинги таҳлилларда фойдаланиш тизим барқарорлиги ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси алгоритминини асослашга хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъекти барқарорлиги ва хавфсизлиги унинг бошқарув, молиявий ва ички хўжалик молиявий таркибий қисмлари асослани ва улар таҳлили бир қатор белгилари бўйича ўрганилди ҳамда таснифланди (3-расм).



**3-расм. Тадбиркорлик субъекти барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг бошқарув, молиявий хўжалик фаолияти таҳлиллари ва улар таркибий қисмлари**<sup>22</sup>.


Тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлиги тадқиқотлари алгоритми таркибида мантиқан субъектнинг илмий абстрация ва аналитик таҳлилидан кейин ўз моҳияти ва мазмунига кўра SWOT ёки PEST таҳлил усули бўлиши лозим (4-расм).

Тадбиркорликда SWOT таҳлилининг тизим хавфсизлигини таъминлаш концепцияси усуллари алгоритми сифатида қўлланиши тадқиқотни мантиқан изчилликда, томонлар ўзаро боғлиқлиги ва таъсирларини ўрганишда асосий усул бўлиб, унинг кучли, ожиз томонлари, камчиликлари ва ютуқларини асослашга хизмат қилади. Бу усулни расмда келтирилган сўровнома ва бошқа усуллар билан биргаликда қўллаш натижасида биз “таҳдид-барқарорлик-

<sup>21</sup> Drucker P.F. Entrepreneurship and innovation. NY: Harper a Row, 1985. – 277p.

<sup>22</sup> Муаллиф ишланмаси.

хавфсизлик” учлиги, улар ўзаро боғлиқлик кўрсаткичларини, таснифини изчил шакллантириб бошқарув концепцияси алгоритмини асослашга эришдик.



**4-расм. Тадбиркорлик тизимини барқарор ривожланишининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепциясини шакллантириш алгоритми<sup>23</sup>.**

Таклиф қилинаётган концепция алгоритмига асосан, сифат усуллари аниқ миқдорий усуллар билан боғлиқликда қўлланилади. Жумладан, SWOT ва иқтисодий статистик таҳлил, сўровнома ва мантиқий статистик модел синтези асосидаги таҳлил, кўп ҳажмли статистик ҳамда регрессион – корреляцион таҳлил усуллари алоҳида ва биргаликда қўллаш тадбиркорлик тизими концепциясини яратишнинг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб, тизим бўйича ишончли натижаларини олишга имкон беради ва концепциянинг умумлашган тузилмасини шакллантирди.

Бу алгоритмга асосан қўлланилган усуллар ва уларнинг алоҳида олинган барқарорлик ва хавфсизлик кўрсаткичлари муҳим илмий-услубий ва амалий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Лекин, тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш комплекс муаммолардан бўлиб ҳисобланганлиги сабабли, унинг тадқиқотига тизимли ёндашув талаб қилинади. Тадқиқотда юқоридаги таҳлил усуллари тизимли ёндашув қоидаларига асосан қўллаш бизга барқарорлик ва хавфсизлик кўрсаткичларини гуруҳлаш, таснифлаш шакллантиришга ва улар бўйича ҳисоб-китоблар ўтказишга имкон берди.

<sup>23</sup> Муаллиф ишланмаси.

Бу ҳисоб-китоблар турли йўналишдаги сифат, миқдор, интеграл параметрларни қўллашдан иборат бўлиб, улар тадқиқот усуллари ҳамда ахборот манбаларини шакллантириш мураккаблиги каби қатор қийинчиликлар билан ажралиб туради. Бу илмий-услубий масалалар ва ахборотлар расмий, норасмий манбалари бўйича қийинчиликларни камайтириш учун 60 кўрсаткичлардан иборат 5 та шартли белги бўйича омиллар таҳлили гуруҳлари шакллантирилди ва тадқиқотимизда келтирилди.

Жумладан, тадқиқотда асосий капитал айланмаси, активлар рентабеллиги, ўз капиталини қоплаш муддати, мутлоқ ликвидлик коэффиценти, ўз-ўзини молиялаштириш қобилияти, хусусий капиталнинг заём капиталидан устунлиги ва бир қатор иқтисодий-молиявий, ижтимоий, бошқарув ва инфратузилмавий экологик омилларга тегишли қатор кўрсаткичлари рўйхатга киритилди.

Бу кўрсаткичлар сўровномамизда тадбиркорлик субъекти иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашни асосий жиҳатларини ва истиқболларини баҳолашда қўлланилди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар тизими тадбиркорлик барқарорлиги ва иқтисодий хавфсизлигини балл тизими бўйича баҳолашда ҳам қўлланиши мумкинлиги тадқиқотда кўрсатилди.

Тадқиқотнинг **“Тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши, иқтисодий хавфсизлигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” (Хоразм вилояти мисолида)** номли учинчи бобида тизимни тадқиқ қилишни анкеталаштириш усули асосида истиқболли йўналишлари, вилоят тадбиркорлик тизими ривожланиш йўналишлари сценарийларини корреляцион-регрессион усуллари асосида аниқлаш ҳамда турли моделлар бўйича ўрта муддатларга прогноз вариантлари шунингдек, тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлиги тадқиқи алгоритмига асосан бошқарув концепцияси асосланган.

Вилоятда тадбиркорлик субъектлари барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганишга бағишланган анкета-сўровнома ютказилди. Сўровнома жами 74 та саволдан иборат бешта бўлимни ўз ичига қамраб олди. Уни ўтказишда тадбиркорлик субъектларининг ҳудудий жойлашуви, ташкилий ҳуқуқий шакли, фаолият тури кабиларни инобатга олган ҳолда танлама усулдан фойдаланилди. Жами 300 та анкета тарқатилиб шундан 251 таси белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган ва фойдаланиш учун яроқли эканлиги аниқланди.

Мавжуд ҳолатни ўрганиш мақсадида бизнес субъектлари барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг етарлилиги бўйича берилган саволга жами 239 та респондентдан 189 таси “ҳа” деб жавоб берган, яъни 79,1 фоизи мақуллаган. Респондентлар жавобларига кўра бизнес субъектлари барқарорлиги, хавфсизлигини таъминлашдаги мавжуд тўсиқлар сифатида маблағ етишмаслиги, таваккалчилик юқорилиги, фойда нормасининг пастлиги, маҳаллий ҳокимиятнинг тадбиркорлар ташаббусларини қўллаб-қувватламаслиги аниқланди. Улар улушлари мос равишда 23,4, 21,1, 15,5 ва 8,7 фоизни ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

Сизнингча, бизнес субъекти барқарорлиги, хавфсизлигини таъминлашга нималар тўсқинлик қилади? <sup>24</sup>

Вариантлар	Жавоблар сони	Улуши фоизда
1. Маблаг етишмаслиги	92	23.4
2. Таваккалчилик юқорилиги	83	21.1
3. Вақт етишмаслиги	57	14.5
4. Фойда нормаси пастлиги	61	15.5
5. Маҳаллий ҳокимиятнинг тадбиркорлар ташаббусларини қўллаб-қувватламаслиги	34	8.7
6. Ахборот ва коммуникация хизматларини яхши ривожланмаганлиги	22	5.6
7. Хусусий қўриқчилик хизматлари камлиги	16	4.1
8. Инфратузилма ривожланмаганлиги	26	6.6
9. (Бошқалар)	2	0.5
Жами	393	100

Шунингдек, чегаравий иқтисодий барқарорлик, хавфсизлик кўрсаткичлари ва улар даражаси фирмада қандай бўлиши кераклиги бўйича респондентлар фикрлари 7 та мезон ва 3 та даража бўйича ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Сизнингча, чегаравий иқтисодий барқарорлик, хавфсизлик кўрсаткичлари ва улар даражаси фирмада қандай бўлиши керак? <sup>25</sup>

Мезонлар	Таъсир даражаси	Жавоблар сони	Улуши фоизда
1.Фирма маҳсулотига тахминий талаб ва маҳсулотни хажмини ишлаб чиқариш қувватига бўлган нисбати	Паст	20	9.9
	ўрта	164	81.2
	юқори	18	8.9
2.Инновацион маҳсулотнинг жами фирма маҳсулотида улуши	Паст	30	16.1
	ўрта	133	71.5
	юқори	23	12.4
3.Фирманинг ички ва ташқи товарлар, хизматлар бозоридаги рақобатбардошлик лаёқати	Паст	29	16.1
	ўрта	109	60.6
	юқори	42	23.3
4.Фирма асосий фондлари емирилиш даражаси	Паст	48	25.9
	ўрта	112	60.5
	юқори	25	13.5
5.Маҳсулот ва активларнинг самарадорлиги	Паст	33	17.7
	ўрта	117	62.9
	юқори	36	19.4
6.Айланма маблағлар мавжудлиги	Паст	33	17.2
	ўрта	130	67.7
	юқори	29	15.1
7.Фирмада яшаш даражаси меъеридан паст ойлик оладиган ходимлар сони	Паст	40	23.1
	ўрта	105	60.7
	юқори	28	16.2

<sup>24</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

<sup>25</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

Олинган жавобларда бир бирига яқин тенденция кузатилади, яъни асосий улуш ўрта даражада бўлиши лозимлигини кўрсатади. Хусусан, фирма маҳсулотига тахминий талаб ва маҳсулот ҳажмининг ишлаб чиқариш қувватига нисбати ўрта даражада бўлиши керак деб берилган жавоблар 81,2 фоизни, фирма асосий фондлари емирилиш даражаси ўрта даражада бўлиши керак деганлар улуши эса 60,5 фоизни ташкил қилади.

Кейинги беш йил давомида давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра мамлакатимизда тадбиркорлик ва унинг инновацион йўналишлар соҳаларида бир қатор ижобий натижаларга эришилаётганлигига қарамасдан анкеталаштириш тадқиқотларимизга кўра ҳали кўпгина масалалар жадал суръатларда ечимини кутаётганлиги ҳам маълум бўлди. Бу соҳадаги муҳим масалаларни сўровномамиз натижалари ҳам кўрсатиб берди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Инновацион тадбиркорлик субъектлари барқарорлик ва хавфсизлигини таъминлашни молиялаштиришда венчур, ДХШ капиталларидан фойдаланишнинг ҳамда университетлар ва илмий тадқиқот марказларининг ўрни<sup>26</sup>

	Инновацион фаолияти юртишда венчур капиталнинг асосий капитал таркибида ўрни қай даражада бўлиши мақбул?		Инновацион фаолият барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда ДХШ капиталининг ўрнини қандай баҳолайсиз?		Инновацион фаолият барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда университетлар, илмий тадқиқот марказлари аҳамиятини қандай баҳолайсиз?	
	Жавоблар сони	Улуши фоизда	Жавоблар сони	Улуши фоизда	Жавоблар сони	Улуши фоизда
1.Жуда юқори	42	17.8	31	12.9	47	19.7
2.Юқори	37	15.7	35	14.6	43	18.1
3.Ўрта	131	55.5	148	61.7	118	49.6
4.Паст	12	5.1	8	3.3	18	7.6
5.Энг паст	12	5.1	10	4.2	10	4.2
6.Йўқ	2	0.8	8	3.3	2	0.8
Жами	236	100	240	100	238	100

